

Оламга маълум бўлмаган ҳақиқатлар



10:49 / 15.01.2022 2659

Университетларда бизга француз олими Жан-Франсуа Шампольон (фр: Jean-François Champollion, 1790 -1832) Розетт тоши очилгач, миср иероглифларнинг рамз-маъноларини шарҳлашга муваффақ бўлган дея ўқитишган. Аслида, оламга маълум бўлмаган ҳақиқат шуки, араб олими Ибн Ваҳшия Набтий биринчи бўлиб ушбу иероглифларнинг маъноларини кашф этиб ўқиган ва ўзининг «Шавқул мустаҳам фий маърифати румуузил ақлам» китобида ёзиб қолдирган. Бу ишни у француз олими Шампольондан 800 йил олдин амалга оширган.

Воқеий ҳикоя қилади:

«Шайх Аҳмад Шомий ад-Дувмийнинг уйига бир куни ўғри тушди. Шайх уни таниб қолди ва: «Ўғлим ана у нарсалар, молларга тегма, улар омонатлардир. Лекин ҳув ана улардан олишинг мумкин, улар мени мол-

мулким» дебди. Ўғри, шайх уни танимади деб ўйладида, нарсаларни ўғирлаб олиб чиқиб кетди. Шайх эртаси куни ўғрини уйига борди ва унга деди: «Болам, сен учун Аллоҳ бизни кечирсин». Кейин яна нарсалардан берди. Сўнгра унга қарата: «Биз сен ҳақингда нуқсонга йўл қўйдик, эътиборсизлик қилдик. Агар биз фақирлардан хабар олиб турганимизда эди, сени бу ҳолга туширган вазиятга етмаган бўлардинг!», деди. Бу ҳолдан ўғри бола қаттиқ хижолат бўлди ва гуноҳларидан тавба қилди. Шайхнинг шогирдларидан бири бўлиб, тақводор инсонга айланди.

Қуйидаги суратда фақиҳ, аллома, Суриянинг Дувма шаҳри муфтийси, зоҳид, тавозели сўфий зот Аҳмад Шомийдир.

Манба: @arabicuz